

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ХОМИДОВ АВАЗБЕК ОДИЛОВИЧ

**АВТОМОРФ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА КУЧЛИ ШИШУВЧАН
ГИДРОГЕЛЛАРНИ ҚЎЛЛАБ ҒЎЗАНИНГ ТЕЖАМКОР СУҒОРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in technical sciences**

Хомидов Авазбек Одилович

Автоморф тупроқлар шароитида кучли шишувчан гидрогелларни
қўллаб ўзанинг тежамкор суғориш технологиясини яратиш..... 3

Хомидов Авазбек Одилович

Разработка водосберегающей технологии орошения хлопчатника в
условиях автоморфных почв с применением сильнонабухающих
гидрогелей..... 21

Khomidov Avazbek Odilovich

Development of water conserving irrigation technology of cotton with use
of super swelling hydrogels under conditions of automorphic
soils..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ХОМИДОВ АВАЗБЕК ОДИЛОВИЧ

**АВТОМОРФ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА КУЧЛИ ШИШУВЧАН
ГИДРОГЕЛЛАРНИ ҚЎЛЛАБ ҒЎЗАНИНГ ТЕЖАМКОР СУҒОРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.1.PhD/Т2167 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Салоҳиддинов Абдулҳаким Темирхўжаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Икромов Раҳимжон Каримович
техника фанлари доктори, профессор
Аҳмеджанов Дилмурод Ғуломович
техника фанлари доктори, профессор в.б.

Етакчи ташкилот: «UZGIP» Маъсулияти чекланган жамияти.

Диссертация химояси Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 й. «30» июль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (99871) 237-19-61, 237-22-09, факс: 237-54-79. e-mail: admin@tiiame.uz)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (183 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2021 йил «15» июль куни таркатилди.
(2021 йил «15» июль даги 15 рақамли реестр баённомаси).



Т.З. Султанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.А. Гаппаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.Х. Хамидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сув ресурслари кескин камайиб, сувга бўлган талаб ортиб бораётган шароитда тежамкор суғориш технологияларини такомиллаштириш ва уларни кенг жорий этиш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида 43 мамлакат сув тақчиллигидан азият чекаётганини ва 2025 йилга бориб дунё аҳолисининг учдан икки қисми сув стресси шароитида истиқомат қилиши кутилаётганлигини ҳисобга олсак»¹ қишлоқ хўжалигида такомиллаштирилган суғориш технологиялари ва усулларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан ғўзани етиштиришда суғориш сувини тежаш имконини берадиган суғориш усуллари, жумладан, маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосидаги суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда суғорма деҳқончилик шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда тежамкор суғориш технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, суғорма деҳқончиликда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, экинларни эгатлаб суғориш учун сув сарфини камайтириш ва самарасини ошириш имконини берадиган технологиялар ва усулларни такомиллаштириш, ғўзани эгатлаб суғоришда адсорбент элементларни қўллаш орқали сувнинг инфильтрациясини камайтириш, суғорилгандан сўнг тупроқнинг фаол қатламида намликни узок вақт сақлаб туриш имконини берадиган суғориш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда сув ресурслари маҳсулдоригини ошириш услубларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда суғорма деҳқончилик шароитида сув ресурсларини тежаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш»² бўйича устувор ва муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлида сув тежамкорликдаги ноанъанавий ёндашувлар, жумладан автоморф тупроқлар шароитида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллардан фойдаланиб, ғўзанинг тежамкор суғориш технологиясини яратиш ва тупроқ намлигини бошқариш мақсадида унинг ўзгариш қонуниятларини тажрибалар асосида аниқлаш ва башорат қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга

¹ <https://www.un.org/waterforlifedecade/scarcity.shtml>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

мўлжалланган концепцияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ-4919 - сон «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғорма деҳқончиликда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежамкор суғориш технологияларини ўрганиш ва уларни жорий этиш бўйича республикамизда ва дунёнинг турли мамлакатларида А.Н.Костяков, Н.Т.Лактаев, М.Г.Хорст, Б.Ф.Камбаров, Г.А.Безбородов, Б.С.Серикбаев, М.Ҳ.Ҳамидов, Ф.А.Бараев, Р.К.Икрамов, В.А.Духовный, О.Р.Рамазанов, М.П.Мещеряков, К.Штудер, И.Худоев, Т.А.Салохиддинов, С.Ш.Мирзаев, М.Н.Тимирова; К.Г.Ганиев, О.Н.Юсупбеков, Д.Г.Ахмеджанов, И.П.Свинцов, L.E.Allison, Б.П.Булатов каби қатор олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган ва кўзланган натижаларга эришилган.

Шу билан бирга бугунги кунда илмий адабиётларда маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаб, автоморф тупроқлар шароитида ғўзанинг сув тежамкор суғориш технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли ер ости сувлари чуқур жойлашган, автоморф енгил соз типик бўз тупроқларга эга бўлган, ғўзанинг районлаштирилган «Наманган-77» нави етиштириладиган Наманган вилояти адир ерлари шароитида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаш асосида ғўзанинг тежамкор суғориш технологиясини бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий тадқиқотлар режасининг №17/2014 сонли «Кучли шишувчан гидрагелларни қўллаш асосида сув тежамкор суғориш технологиясини такомиллаштириш» (2014) ва №5/2017 – сонли «Янги ўзлаштирилган чўл зонаси тупроқлари шароитида кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган тежамкор суғориш технологиясини қўллаш самарадорлигини ўрганиш» (2017) мавзуларидаги хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг автоморф тупроқлар шароитида маҳаллий хом-ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида ғўзанинг тежамкор суғориш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

автоморф тупроқлар шароитида ғўзанинг суғориш технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалалари бўйича илмий техник тараққиёт натижаларини ўрганиш;

махаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаш асосида ғўзанинг тежамкор суғориш технологиясини ишлаб чиқиш;

махаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаш асосида ишлаб чиқилган ғўзани тежамкор суғориш технологиясининг параметрларини экспериментал асослаш;

махаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаш асосида яратилган ғўзанинг тежамкор суғориш технологияси шароитида ғўзани суғориш меъёрларини аниқлаш;

махаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаш асосида яратилган ғўзанинг тежамкор суғориш технологияси шароитида тупроқ намлигини ўзгариш қонуниятларини аниқлаш;

махаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаш асосида яратилган ғўзанинг тежамкор суғориш технологиясининг ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ер ости сувлари чуқур жойлашган, автоморф энгил соз типик бўз тупроқларга эга бўлган, районлаштирилган «Наманган-77» нави етиштириладиган Наманган вилояти Косонсой туманидаги «Беш кетмон ҳосили» фермер хўжалиги адир ерлари қабул қилинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган ғўзанинг тежамкор суғориш технологияси ҳамда уни тупроқнинг сув физик хоссаларига, ғўзани ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияни бажариш жараёнида тадқиқотнинг умумий қабул қилинган дала-тажриба экспериментлари, фенологик кузатишлар, ҳажмий оғирлик, статистик таҳлил ва моделлаштириш усуллари, шунингдек «Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари» илмий-тадқиқот институтининг «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари» (2007), тупроқнинг механик таркибини аниқлашда Н.А.Качинский услуби (1970), тупроқ тадқиқотларининг агрохимик усуллари (1975) каби услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

автоморф тупроқлар шароитида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаш асосида тупроқнинг мақбул сув режимини таъминлаш имконини берадиган ғўзанинг такомиллаштирилган тежамкор суғориш технологияси ишлаб чиқилган;

ғўзанинг тежамкор суғориш технологиясида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни автоморф тупроқларга солиш меъёри тупроқ фаол қатламида ғўзанинг илдиз тизими учун керакли намликни таъминлаш асосида асосланган;

маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни тупроқ қатламига турли меъёрларда солиб суғориш технологиясининг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири аниқланган;

маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосидаги ғўзани тежамкор суғориш технологияси шароитида тупроқ қатламининг чуқурлиги, зичлиги ҳамда чегаравий дала нам сифими асосида автоморф тупроқлар намлигининг ўзгаришини башорат қилиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар қўллаб ғўзанинг сув тежамкор суғориш технологияси ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган;

автоморф тупроқлар шароитида уларнинг табиий намлиги захираларидан фойдаланиш самарадорлиги ошириш услуби тавсия этилган;

автоморф тупроқлар шароитида сув танқислигининг салбий оқибатларини камайтириш, жумладан суғориш суви махсулдорлигини 25-30% га оширишнинг ноананавий имкониятлари аниқланган;

сув тақчиллиги ва автоморф тупроқлар шароитида пахта ҳосилдорлигини 7-10% га ва хўжалик рентабеллигини 7% га ошириш усули тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларда умумий қабул қилинган дала ва лаборатория тажрибалари услубларидан фойдаланилганлиги; назарий ҳамда амалий натижаларни мос келиши; олинган маълумотлар математик-статистик таҳлиллар натижалари билан тасдиқланганлиги; тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, аниқланган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги; тадқиқотларни илмий ва амалий натижаларининг мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тасдиқланганлиги ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганлиги натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти автоморф режимдаги тупроқлар шароитида кучли шишувчан гидрогелларни қўллаш асосида ғўзанинг сув тежамкор суғориш технологиясини ишлаб чиқилганлиги, мазкур технологиядан фойдаланилганда тупроқ намлигини ўзгариш қонуниятлари аниқланганлиги ҳамда унинг ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири баҳоланганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти автоморф тупроқлари шароитида уларнинг табиий намлиги захираларидан фойдаланиш самарадорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш ҳамда сув танқислигининг салбий оқибатларини камайтиришнинг ноананавий имкониятларини, жумладан автоморф тупроқлари шароитида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаб яратилган сув тежамкор суғориш

технологиясини жорий этиш натижасида ғўза экинни суғориш суви сарфларини 15-25% (330-370 м³/га) тежаш ва хосилдорликни 4,8-5,3 ц/га ҳамда рентабеллик даражасини ўртача 6,0-7,0% юқори бўлишини таъминлаш усули аниқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Афтоморф тупроқлар шароитида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаш бўйича олинган натижалар асосида:

автоморф тупроқлар шароитида кучли шишувчан гидрогелларни қўллаш асосида ғўзани суғоришнинг такомиллаштирилган тежамкор технологияси Наманган вилояти Норин-Сирдарё ИТХБда жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 августдаги 03/18-1162-сон маълумотномаси). Натижада вегетацион суғоришга сарфланадиган сув ресурсларини 15-25% гача тежаш ҳамда хосилдорликни 7-10% га ошириш имконияти яратилган;

маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни автоморф тупроқларга солиш меъёри Наманган вилояти Норин-Сирдарё ИТХБда жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 августдаги 03/18-1162-сон маълумотномаси). Натижада суғоришлар ўртасидаги даврини 10-12 кунга узайтириш имконияти яратилган;

кучли шишувчан гидрогелларни қўллаб ғўзани суғоришнинг тежамкор технологияси Наманган вилояти Норин-Сирдарё ИТХБда жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 августдаги 03/18-1162-сон маълумотномаси). Натижада ҳар бир гектар суғориладиган майдон ҳисобига пахта етиштириш шароитида 733000 сўм/га миқдорида соф фойда олиш ва рентабеллик даражасини 7 % га ошириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотлар натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган ва мақулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий

қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Автоморф тупроқлар шароитида ғўзанинг суғориш технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш муаммосининг ўрганилганлиги**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича дунёда, шу жумладан республикада олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари илмий адабиётлар асосида таҳлил қилинган. Бугунги кунга қадар сув тежамкор суғориш технологиялари бўйича кўплаб олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан диссертацияда А.Н.Костяков, Н.Т.Лактаев, М.Г.Хорст, Б.Ф.Камбаров, Г.А.Безбородов, Б.С.Серикбаев, М.Ҳ.Ҳамидов, Ф.А.Бараев, Р.К.Икрамов, А.Т.Салоҳиддинов, В.А.Духовный, О.Р.Рамазанов, М.П.Мещеряков, К.Штудер, И.Худоев, ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида эълон қилинган илмий ишларнинг аналитик таҳлили келтирилган.

Турли тупроқлар шароитида дунёнинг турли мамлакатларида ишлаб чиқарилган полимер гидрогелларни қўллаб сув тежамкор технологияларини ишлаб чиқиш бўйича С.Ш.Мирзаев, М.Н.Тимиров, Т.А.Салоҳиддинов, К.Г.Ғаниев, О.Н.Юсупбеков, Д.Ғ.Ахмеджанов, Н.Г.Рогова, И.П.Свинцов, Л.Е.Allison, Б.П.Булатов ва бошқа қатор олимларнинг тадқиқот ишлари натижалари таҳлил қилинган.

Сув тежамкорлиги масаласи суғоришнинг истиқболли ва яхши ўрганилган усул ва технологияларидан (эгатлаб, тупроқ ичидан, томчилатиб, ёмғирлатиб) имкониятларидан фойдаланиш учун сув хўжалиги ва суғорма деҳқончилик соҳаси мутахассисларининг кучларини сафарбар этишни тақозо этади. Ёмғирлатиб суғориш технологияси Ўзбекистон шароитида чучук ер ости сувлари яқин жойлашган ерларга тўғри келади ва кичик ҳажмларни ташкил этади. Суғоришнинг бошқа усуллари ҳам республикада ва дунёнинг ривожланган мамлакатларида (Исроил, АҚШ, Франция, Голландия, Туркия, Ҳиндистон) қаторли экинларни суғоришнинг тажриба участкаларида анъанавий фойдаланиш нуқтаи назаридан ўрганилган. АҚШ ва Испанияда ўтказилган изланишлар бундай технологиялардан фойдаланиш асосида пахта ва буғдойдан йилига икки марта ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатган.

Юқоридаги илмий тадқиқот ишлари натижаларининг таҳлили сув тежамкорлигини таъминлашда полимерлардан фойдаланиш ҳам муҳим ноанъанавий ва рақобатбардош муқобил технологияларга асос бўлиши мумкинлигини исботлади. Хозирги вақтда дунёнинг кўплаб мамлакатларида полимерларни ишлаб чиқариш ва агросаноат мажмуаларида амалий қўллаш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Турли хил тупроқ-иқлим шароитларида полимерларнинг тупроқ хусусиятлари ва ўсимлик ҳосилдорлигига таъсири бўйича лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тадқиқотлари қатор чет эл мамлакатлари, шунингдек Ўзбекистонда ҳам олиб борилмоқда. Полимерлардан фойдаланиш тупроқнинг намлиги, ғоваклиги, сувни буғланишга сарфланиши, сув қобиғининг шаклланишига ва полимерларнинг эрувчанлиги туфайли сув йўқотилишининг пасайиши ва ўсимлик уруғларининг униб чиқишига ижобий таъсир кўрсатган. Бироқ, барча ҳолларда ҳосилдорликнинг ўсиши

кузатилмагани қайд этилган. Юқори даражада шишадиган (кучли шишувчи) полимер гидрогеллар - тупроқ ва ўсимликларнинг сув режимини тартибга солиш, шунингдек қишлоқ хўжалигида истиқболли технологияларни амалга ошириши имкониятини берувчи полимерларнинг янги авлоди хисобланади. Кучли шишувчан гидрогеллар юқори молекуляр оғирликдаги бирикмалар ҳаво ва тупроқдан намликни тезда сингдириб олади. Атроф-муҳит шароитларига қараб, бу моддалар тупроқда намликни осонликча сақлаб туради. Бундай гидрогеллардан Ўзбекистонда гидроморф тупроқлар шароитида ҳам тежамкор суғориш технологияларини яратиш бўйича тадқиқотларда фойдаланилган.

Илмий адабиётлар таҳлилидан маълум бўладики, ҳозирги кунда тупроқнинг муайян хусусиятларини яхшилайдиган турли хил синтетик материалларни фойдаланиш аксарият ҳолларда ижобий натижаларга эришилган. Шунга қарамай, маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаб автоморф тупроқлар шароитида ғўзанинг тежамкор суғориш технологиясини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган. Кучли шишувчан полимер гидрогелларнинг янги авлодининг тупроққа киритиш меъёрлари, улардан фойдаланган ҳолда сув тежамкор суғориш технологиялари параметрларини асослаш, бундай технологияларнинг тупроқ сув-физик хусусиятларига, экинларнинг ривожланиши ва унумдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар, айниқса, арид минтақалардаги автоморф тупроқлари шароитида етарли даражада олиб борилмаган. Бундай технологияни яратиш мураккаб жараён бўлиб, бир қатор омилларни эътиборга олишни тақозо этади. Юқоридаги таҳлиллар асосида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот объектининг табиий хўжалик шароитлари ва тадқиқотлар услубияти»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектининг табиий хўжалик шароитлари, географик жойлашуви ва иқлими, геоморфология ва гидрологик шароитлар, ер усти сувлари ва тупроқларининг ўзига хосликлари ҳамда тадқиқотлар услубияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Таҷриба майдонининг тупроғи механик таркиби бўйича бир хил - кўп микдордаги чанг фракциясига эга бўлган енгил соз тупроқ ва ғарбий тасниф бўйича ҳам чангли соз тупроқ туркумига киради. Тупроқлар жуда кучсиз бўлсада асосан хлорид-сулфат ва сулфат кимёвий тузлари билан шўрланган.

Дала экспериментал тадқиқотлари Наманган вилояти Косонсой туманида жойлашган «Тешиктош Шаршараси» Сув истеъмолчилари уюшмасига худудидаги «Беш-Кетмон ҳосили» фермер хўжалигининг автоморф тупроқлари шароитида олиб борилди. Тадқиқотларда Тошкент кимё технологиялари илмий-тадқиқот институтининг акад. А.Жалилов раҳбарлигидаги олимлари томонидан маҳаллий хом ашё (чиқиндилар) асосида синтез қилинган гидрогелларнинг янги авлодидан фойдаланилган. Мазкур гидрогеллар ўз оғирлигига нисбатан 250-400 мартагача кўп сувни ютиш, қор ва ёмғир ёки бўлмаса суғориш сувларини ўзида узоқ сақлаб тура олиш хусусиятига эга (1-расм).



1- Расм. Гидрогелнинг сув шимган холати

Маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган сув тежамкор суғориш технологияси яратиш ва унинг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар кичик дала участкаларида тажрибалар қўйиш асосида 2015-2017 йиллар давомида ўтказилди. Тажрибалар (3 та тажриба ва 3 та назорат вариантларида, ҳар бир тажриба вариантынинг майдони 0,6 га.) гидрогелларнинг 40 кг/га, 50 кг/га ва 60 кг/га меъёрларида ўтказилди. Технологиянинг тупроқнинг намлиги динамикасига (илдиз ривожланиш зонасида), ғўзанинг сув истеъмолига, ўсиши ва ҳосилдорлигига таъсирлари ўрганилди.

Диссертациянинг «**Автоморф тупроқлар шароитида кучли шишувчан гидрогелларни қўллаб ғўзани тежамкор суғориш технологиясини яратиш бўйича олиб борилган дала-тажриба тадқиқотлари натижалари**» деб номланган учинчи бобида кучли шишувчан гидрогелларни қўллаб яратилган тежамкор суғориш технологиясининг параметрлари, унинг тупроқни сув физик хоссаларига, ғўза ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирларини баҳолаш ҳамда мазкур тежамкор суғориш технологияси воситасида тупроқнинг сув режимини бошқариш бўйича олиб борилган дала тажриба тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Ҳар бир суғоришда бериладиган сувнинг дастлабки аниқланган миқдори С.Н.Рижовнинг қуйидаги формуласи бўйича аниқланди:

$$m = (A - B) \cdot a \cdot h + K \quad (1)$$

бунда m – суғориш меъёри, $m^3/га$; A – тупроқ ҳисобий қатламининг чегаравий дала нам сифими, тупроқ массасидан % ҳисобида; B – тупроқ ҳисобий қатламининг суғориш олди намлиги, тупроқ массасидан % ҳисобида; a – тупроқ ҳисобий қатламининг ҳажмий оғирлиги, $г/см^3$; h – ҳисобий қатлам


(тупроқнинг намланиши зарур бўлган) чуқурлиги, см; K – сувнинг буғланишга сарфи (тупроқнинг чегаравий дала нам сифими ўрнатилгунга қадар), $m^3/га$. « K » нинг қиймати $(A - B) \cdot a \cdot h$ нинг 10% миқдорида олинди;

Дала тажрибалари шароитида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаш асосида яратилган сув тежамкор суғориш технологиясининг параметрлари асосланди. Изланишлар давомида кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган тежамкор суғориш технологиясининг тупроқни сув физик хоссасини бошқаришга имкон берувчи таъсири неча йил давомида самарали даражада сақланиб қолиши ҳам аниқланди.

Тупроқ намлиги динамикасини мунтазам равишда кузатиб бориш натижалари шуни кўрсатадики, кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган тежамкор суғориш технология тупроқнинг ўртача йиллик намлик захираларига таъсир қилади. Тажрибанинг биринчи йилида тупроқнинг ўртача йиллик намлиги 1-вариант (гидрогелсиз) участкасидаги тупроқ намлиги ўртача 14,21 %; 2-вариант (гидрогель 40 кг/га) участкасидаги тупроқ намлиги ўртача 14,54%; 3-вариант (гидрогель 50 кг/га) участкасидаги тупроқ намлиги ўртача 14,69%; 4-вариант (гидрогель 60 кг/га) участкасидаги тупроқ намлиги ўртача 14,74%, эканлиги аниқланди. Тажрибаларнинг иккинчи йилида мос равишда, 1-вариантда 11,03%, 2-вариантда 11,26%, 3-вариантда 12,29% ва 4-вариантда эса 12,37%, эканлиги аниқланди. Тажрибанинг учинчи йилида эса бу қийматлар тажриба майдонидаги тупроқларда вариантлар бўйича мос равишда 11,26%, 12,14%, 12,37% ва назорат участкаларидаги тупроқларда 11,03% ташкил этди. Шу билан бирга, тадқиқотнинг иккинчи ва учинчи йилларида гидрогелларнинг таъсири тажриба участкасида мос равишда аввалги йиллардаги кўрсаткичига нисбатан 10-15% атрофида камайганлиги кузатилди.

Вегетация даврида тупроқнинг ўртача намлиги ва унинг қатламлар бўйича тарқалиши динамикаси кузатилганда намлик миқдорини назорат далаларидаги қийматларга нисбатан ўртача 10-15% (тупроқ хажмий оғирлигига нисбатан 1-2%) юқори бўлганлигини кузатилди (2-расм).

Маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган суғориш технологияси ҳисобига тупроқнинг илдиз ривожланган қатламида ғўзага зарур бўлган қўшимча намлик захираси яратилди. Бу эса ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир қилиш билан бирган навбатдаги суғориш меъёрини қисқартириш имконини берди. Шуни таъкидлаш керакки, сувни тежаш даражаси гидроморф режимдаги тупроқлар шароитида, импорт хом ашёлардан синтез қилинган гидрогель турлари билан ўтказилган тажрибаларда олинган кўрсаткичлардан пастроқ бўлди. Шунга қарамай олинган натижалар ўсимликларнинг суғориш меъёрларини сезиларли даражада камайтириш имконини берди.




2-расм. Тупроқ қатламлари бўйича вегетация давридаги ўртача намликнинг ўзгариш динамикаси

Биринчи йилда вегетация даври мобайнида назорат вариантларида мавсумий $2131 \text{ м}^3/\text{га}$ меъёрда учта суғориш амалга оширилди. Суғоришлар орасидаги даври 36-41 кунни ташкил этди. Тажриба даласида суғоришлар сони назорат даласидаги билан бир хил - учта (бирок учинчи суғориш камайтирилган меъёрда) амалга оширилди. Умумий мавсумий суғориш меъёри: 2 - вариантда $1885 \text{ м}^3/\text{га}$, 3 - вариантда $1760 \text{ м}^3/\text{га}$ ва 4 - вариантда $1748 \text{ м}^3/\text{га}$ миқдорда амалга оширилди. Суғориш даврининг давомийлиги (1 дан 3 гача вегетатив суғоришлар оралиғи) 85 кунни ташкил этди. Иккинчи йилда тажриба далаларида 2 - вариантда $1340 \text{ м}^3/\text{га}$, 3 - вариантда $1304 \text{ м}^3/\text{га}$ ва 4 - вариантда $1295 \text{ м}^3/\text{га}$ ҳамда назорат далаларида эса вегетация даврида мавсумий $1412 \text{ м}^3/\text{га}$ суғориш меъёри билан иккита суғориш амалга оширилди (бунга суғориш даврида манбада сувнинг танқислиги сабаб бўлди, аммо шунга қарамай, маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган суғориш технологиясининг тупроқ намлигини ушлаб туришга ижобий таъсири сезиларли бўлди). Тадқиқотнинг иккинчи йилида суғориш оралиғидаги давомийлик 60 кунни ташкил этди.

Учинчи йилда вегетация даври мобайнида назорат вариантларида мавсумий $2235 \text{ м}^3/\text{га}$ меъёрда жами учта суғориш амалга оширилди. Суғориш даври 38-42 кунни ташкил этди. Тажриба даласида суғоришлар сони назорат

даласидаги билан бир хил - учта (учинчи суғориш камайтирилган меъёрда) амалга оширилди. Мавсумий суғориш меъёри 2 - вариантда 1988 м³/га, 3 - вариантда 1933 м³/га ва 4 - вариантда 1911 м³/га меъёрида амалга оширилди (3-расм).



3-расм. Суғоршлар сони ва суғориш меъёрлари

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган ғўзанинг суғориш технологияси автоморф режимдаги тупроқлар шароитида тупроқнинг сув режимига ижобий таъсир этиб, унинг намлигини юқорироқ бўлиши ва узокроқ сақланиши имконини яратади. Шунингдек, яратилган технологиянинг автоморф тупроқларнинг сув режимига таъсири улар қўлланилишидан кейинги иккинчи ва учинчи йилларда ҳам сақланиб қолиши кузатилди, аммо бу биринчи йилдаги кўрсаткичга нисбатан мос равишда 10-15% га паст бўлди.

Таҳлиллар натижалари шуни кўрсатадики, маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган ғўзанинг суғориш технологиясидан фойдаланиб, тупроқнинг сув режимини, илдиз муҳитида миграция жараёнларини мақсадли равишда назорат қилиш мумкин.

Бунинг асосида суғориладиган майдонларда экинларни етиштиришда сувни тежаш учун реал шароитлар яратилади.

Фенологик кузатишлар ва биометрик ўлчаш ишлари ПСУЕАИТИнинг методикаси бўйича олиб борилди. Кузатишлар вариантлар бўйича танланган методикага мос равишда ҳар бир тажриба даласидаги 25 дан ғўза кўчатлари мисолида олиб борилди.

Тадқиқотларнинг биринчи йилида (2015 й) тажриба майдонида ҳосилдорлик ўртача 25,7 ц/га ва назорат майдонида эса 22,1 ц/га ни ташкил қилди. Иккинчи йилда эса, (2016 й) пахта ҳосилдорлиги тажриба майдонида ўртача 23,1 ц/га ва назорат майдонида 20,0 ц/га ни ташкил қилди. Учинчи йилида (2017 й) тажриба майдонидаги ҳосилдорлик 25,4 ц/га ва назорат майдонидаги ҳосилдорлик эса 21,5 ц/га ни ташкил қилди. Уч йиллик тадқиқотлар давомида турли меъёрларда ўрганилганда, ўртача ҳисобда ҳосилдорлик тажрибаларнинг 1 – тажриба варианты (тупроққа 40 кг/га меъёрда гидрогель киритилган) майдонида назорат майдонларига нисбатан 6-8% га юқори бўлгани, тажрибаларнинг 2 – тажриба варианты даласи (тупроққа 50 кг/га меъёрда гидрогель киритилган) майдонида бу кўрсаткич назорат майдонларига нисбатан 11-16% га юқори эканлиги кузатилди ҳамда тажрибаларнинг 3 – тажриба варианты даласи (тупроққа 60 кг/га меъёрда гидрогель киритилган) майдонида эса бу кўрсаткич назорат майдонига нисбатан ўртача 12-17% га юқори бўлгани кузатилди. Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган суғориш технологиясини Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистоннинг қурғоқчил шароитида сув ресурсларини тежашга реал имкониятлар яратади ҳамда пахта ҳосилдорлигига ижобий таъсири кўрсатади.

Тупроқ намлигини ўзгариш динамикасини башорат қилиш имконини берувчи дастурий маҳсулот. Суғорма деҳқончилик соҳасини барқарор тараққиётини таъминлашда тупроқ намлигининг ўзгариш динамикасини башорат қилиш имконияти муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу мақсадда ўтказилган экспериментал тадқиқотларлар натижаларига асосланган ҳолда маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган ғўзанинг тежамкор суғориш технологияси таъсирини инобатга олган ҳолда автоморф тупроқ намлигини ўзгаришини башорат қилиш имконини берувчи дастурий маҳсулот ишлаб чиқилди. Дастурга тупроқ қатламининг чуқурлиги, тупроқ намлиги, тупроқ зичлиги, чегаравий дала нам сифимлари ҳамда бошқа маълумотларни киритиш асосида бажарилган тадқиқотлар натижасида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган технологияларни қўлланган автоморф тупроқлар шароитида тупроқ намлигини ўзгаришини башорат қилиш мумкинлиги асосланди (4-расм).

Суғориш меъёри ва тупроқдаги сув замираси ҳисоблаш масаласи

Тупроқ ҳисобий қатлами чегаравий дала нам сизими (тупроқ массасидан % ҳисобида) A=

Тупроқ ҳисобий қатламининг суғориш олди намлиги сизими (тупроқ массасидан % ҳисобида) B=

Тупроқ ҳисобий қатламининг ҳажмий оғирлиги, г/см³, a=

Тупроқ ҳисобий қатламининг чуқурлиги, см, h=

Сувнинг буғланишга сарфи(тупроқнинг чегаравий дала нам сизими ўрнатилганга қадар) м³/га, K=


Тупроқ зичлиги, г/см³, dv=

Тупроқ қатламининг чуқурлиги, м, H=

Нам тупроқ билан стаканнинг оғирлиги, г, a1=

Қурук тупроқ билан стаканнинг оғирлиги, г, b=

Стаканнинг соф оғирлиги, г, c=



4-расм. Тупроқ намлигини ўзгариш динамикасини башорат қилиш дастурининг интерфейси


Ишлаб чиқилган дастур ёрдамида юқорида ифодаланган шароитларда суғоришлар орасидаги муддатни 8-12 кунга узайтириш имконияти мавжудлиги аниқланди. Шунингдек дастур ёрдамида муайян шароитда суғориш меъёрини аниқ белгилаш имкони ҳам яратилди.

Диссертациянинг «**Кучли шишувчан гидрогеллар асосидаги тежамкор суғориш технологиясининг иқтисодий ва экологик жиҳатлари**» деб номланган туртинчи бобида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган ғўзанинг тежамкор суғориш технологиясини қўллашнинг иқтисодий ва экологик жиҳатлари аниқлаган ҳамда мазкур технологияни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг биринчи йилида «Наманган-77» ғўза нави экилган тупроқ намлиги нисбатан 65-70-65 % режимда таъминланганда, энг юқори солиштирма пахта ҳосилдорлиги тажрибаларнинг III – вариантыда, тупроққа 50 кг/га

меъёрда гидрогел киритилган (2-тажриба) майдонида ҳамда IV – вариантда – тупроққа 60 кг/га меъёрда гидрогел киритилган (3-тажриба) майдонларда кузатилиб, бунда ҳосилдорлик ўртача 24,3 ва 24,4 ц/га ташкил этди.

Яратилган технологияларни жорий этиш билан боғлиқ қўшимча сарфлар тажриба далаларидаги тупроққа кучли шишувчан гидрогелларни 40 кг/га, 50 кг/га ва 60 кг/га меъёр хисобидан киритилган жами 30 кг (12 минг сўм/кг) миқдордаги кучли шишувчан гидрогеллар сотиб олиш ҳамда гидрогелларни тупроққа киритиш учун трактор хизматига (120 мин сўм) йўналтирилган харажатларни ўз ичига олади. Шунингдек яратилган технологиянинг қўлланиши ҳисобига тажриба далаларида суғориш сувининг 15-21% га тежалиши ҳамда олинган қўшимча 3,3 ц/га ҳосилдорлик ҳисобига қўшимча даромад олинишини таъминланган. Шартли соф фойда ҳамда рентабелликнинг энг юқори кўрсаткичи тупроққа гидрогеллар 50 кг/га меъёрда киритилган III – вариантда (733000 сўм/га ва рентабеллик даражаси 7,9 %) ни ташкил этди. Қўшимча сарф харажатлар қилинмаган, тажрибанинг иккинчи ва учинчи йилларида шартли соф фойданинг яна юқори бўлиши таъминланган. IV – вариантда, яъни тупроққа 60 кг/га меъёрда гидрогель киритилган вариантда эса шартли соф фойда 574000 сўм/га ни, рентабеллик эса 6,1 % ни ташкил этди (5-расм).



5-расм. Автоморф тупроқлар шароитида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосидаги тежамкор суғориш технологиясининг иқтисодий самарадорлиги

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, тупроққа гидрогеллар 60 кг/га меъёрда киритилган вариантда ҳосилдорлик ва тежаб қолинган сув миқдори бир мунча каттароқ бўлсада, сарфланадиган гидрогелларнинг солиштирма ҳажмига

нисбатан олинадиган самарадорлик ва даромад миқдори III – вариантда, тупроққа 50 кг/га меъёрда гидрогел киритилган вариантдагига нисбатан камроқ бўлди. Шунинг учун тадқиқотлар ўтказилган шароитларга ўхшаш шароитларда гидрогелларни тупроққа киртишнинг мақбул меъёри 50 кг/га тенг бўлади.

ХУЛОСАЛАР

«Автоморф тупроқлар шароитида кучли шишувчан гидрогелларни қўллаб ўзанинг тежамкор суғориш технологиясини яратиш» мавзусидаги фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Автоморф, механик таркиби бўйича енгил соз тупроқлар шароитида сув тежамкорлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаб ўзанинг тежамкор суғориш технологияси ишлаб чиқилди;

2. Автоморф, механик таркиби бўйича енгил соз тупроқлар шароитида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаб ишлаб чиқилган ўзанинг тежамкор суғориш технологиясининг параметрлари экспериментал тадқиқотлар натижаларида илмий асосланди:

- маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларнинг тупроққа киритилиши чуқурлиги 5-35 см;

- маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларнинг тупроққа киритилишининг техник иқтисодий жиҳатидан мақбул меъёрлари 50 кг/га.

3. Экспериментал тадқиқотлар асосида автоморф тупроқлар ва маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаб ишлаб чиқилган тежамкор суғориш технологияси шароитида ўзани суғориш меъёрларини аниқланди. Тадқиқотларнинг назорат вариантларида вегетация даври учун 2131-2237 м³/га мавсумий суғориш меъёри 3 та суғоришда амалга оширилди, суғоришлар орасидаги давр 37-48 кунни ташкил этди. Маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган суғориш технологиясини қўлланган тажриба вариантыда 1763-1911 м³/га мавсумий суғориш меъёри билан 3 та суғориш амалга оширилди;

4. Маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаб ишлаб чиқилган ўзанинг тежамкор суғориш технологиясини автоморф режимдаги тупроқларнинг сув физик хоссаларига ижобий таъсири аниқланди. Вегетация даври давомида пахта етиштирилган тажриба майдонларида тупроқ намлиги кўрсаткичи назорат майдонларидагига қараганда ўртача 8-12% юқори бўлишини аниқланди;

5. Маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган ўзанинг суғориш технологияси шароитида тупроқ намлигини ўзгариш динамикасини башорат қилиш имконини берувчи дастурий маҳсулот ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган дастур ёрдамида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида

яратилган суғориш технологиясини қўлланганда суғоришлар ўртасидаги даврини 8-12 кунга узайтиришга имкон яратилиши аниқланди;

6. Автоморф, механик таркиби бўйича енгил соз тупроқлар шароитида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаб ишлаб чиқилган тежамкор суғориш технологияси ғўза ўсимлигини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир этиши аниқланди. Экспериментал тадқиқотлар натижаларида назорат далаларида ғўза ҳосилдорлиги 20,5-21,9 ц/га ва тажриба далаларида мос равишда - 22,0-25,7 ц/га ни ташкил қилиши аниқланди. Тажриба далаларидаги ғўза ҳосилдорлиги назорат даласидагига нисбатан 2,2-3,7 ц/га юқори бўлгани кузатилди. Мос равишда тажриба ва назорат далаларида 1 ц/га пахта хом ашёсини етиштириш учун сарфланган солиштирма сув миқдори 71,6 ва 101,5 м³/ц ни ташкил этди. Бу эса, ишлаб чиқилган технология шароитида суғориш суви маҳсулдорлиги 25-30% га юқори бўлишини кўрсатади;

7. Ғўза етиштириш шароитида маҳаллий хом ашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаб ишлаб чиқилган ғўзанинг тежамкор суғориш технологиясини жорий этиш суғоришга сарфланадиган ресурсларни (сув, энергия, меҳнат) харажатларини камайтириш ҳамда қўшимча ишлаб чиқарилган пахта хом ашёси ҳисобига қўшимча (ҳосилдорликни 7-10% га ва хўжалик рентабеллигини 6-7% га ошириш ҳисобига 700 минг сўм/га дан ортиқ) иқтисодий фойда олиш имконини бериши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

ХОМИДОВ АВАЗБЕК ОДИЛОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ВОДОСБЕРЕГАЮЩЕЙ ТЕХНОЛОГИИ ОРОШЕНИЯ
ХЛОПЧАТНИКА В УСЛОВИЯХ АВТОМОРФНЫХ ПОЧВ С
ПРИМЕНЕНИЕМ СИЛЬНОНАБУХАЮЩИХ ГИДРОГЕЛЕЙ**

06.01.02- Мелиорация и орошаемое земледелие

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях резкого сокращения водных ресурсов и растущего спроса на воду во всем мире, развитие и широкое внедрение водосберегающих технологий орошения является одним из актуальных задач современности. То, что 43 страны мира в настоящее время страдают от нехватки воды, и то, что две трети населения мира к 2025 году будет испытывать стресс воды, обуславливает развитие и внедрение усовершенствованных технологий и методов орошения в сельском хозяйстве. В связи с этим, актуальным является широкое использование водосберегающих методов орошения при выращивании хлопчатника, в том числе водосберегающих технологий на основе сильно-набухающих гидрогелей, синтезированных из местного сырья.

Во всем мире проводятся исследования по разработке водосберегающих технологий орошения для применения при выращивании сельскохозяйственных культур в условиях орошаемых земель. В связи с этим особое внимание уделяется развитию технологий направленных на повышение эффективности использования водных ресурсов в орошаемом земледелии, совершенствование водосберегающих технологий орошения, уменьшение инфильтрации воды за счет использования адсорбентов, позволяющих длительное удержание влажности в активном слое почвы при возделывании хлопчатника, выявление способов увеличивающих продуктивность оросительных вод.

В Республике принимаются комплексные меры по экономии водных ресурсов и повышению эффективности их использования в условиях орошаемого земледелия, и достигаются определенные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены приоритеты и важные задачи, включая применение «интенсивных методов сельскохозяйственного производства, в первую очередь водо- и ресурсосберегающих агротехнологий». Для достижения этих целей необходимо использовать нетрадиционные водосберегающие подходы, в том числе разработка водосберегающей технологии возделывания хлопчатника в условиях автоморфных почв на основе сильно-набухающих гидрогелей, синтезированных из местного сырья, а для управления влажностью почвы важно определить и спрогнозировать закономерности ее изменения на основе экспериментов.

Настоящая диссертационная работа способствует выполнению задач поставленных в указе Президента Республики Узбекистан № ПФ-6024 «О Концепции развития водного хозяйства на 2020-2030 годы» 10 июля 2020 года и в постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4486 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы водного хозяйства» от 9 октября 2019 года и № 11 ПП-4919 «О мерах по ускорению внедрения водосберегающих технологий в сельском хозяйстве» от 11 декабря 2020 года и в других нормативных актах.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование

проводилось в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в Республике V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Изучение и внедрение водосберегающих технологий орошения сельскохозяйственных культур в орошаемом земледелии в нашей стране и в различных странах мира проведены обширные научные исследования достигнуты определенные результаты такими учеными, как А.Н.Костяков, Н.Т.Лактаев, М.Г.Хорст, Б.Ф.Камбаров, Г.А.Безбородов, Б.С.Серикбаев, М.Х.Хамидов, Ф.А.Бараев, Р.К.Икрамов, В.А.Духовный, О.Р.Рамазанов, М.П.Мещеряков, К.Штудер, И.Худоев, А.Т.Салохиддинов, С.Ш.Мирзаев, М.Н.Тимирова; К.Г.Ганиев, О.Н.Юсупбеков, Д.Г.Ахмеджанов, И.П.Свинцов, Л.Аллисон, Б.П.Булатов и другие.

